

137 Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2861*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сонли «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 30 ноябрдаги 255-мх-сон «Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2285, 2011 йил 30 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 48-сон, 497-модда);

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 29 июлдаги

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

246-мх-сон «Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2285-1, 2015 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 30-сон, 403-модда).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси (А. Очилов) мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 февраль,
39-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги
39-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари юридик
хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва
юритиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сонли «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини (бундан буён матнда маълумотлар базаси деб юритилади) шакллантириш ва юритиш, шунингдек унга киришиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мақсадлари учун давлат органлари ва ташкилотлари деганда, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари тушунилади.

2. Маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ва уларнинг ходимларини ҳисобга олиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) расмий веб-сайтида жойлаштириладиган, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги ягона, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар базасини яратиш ва унинг янгилаб турилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базаси тегишинча Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий адлия органлари деб юритилади) томонидан шакллантирилади ва юритилади.

4. Вазирлик ва ҳудудий адлия органлари давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур Низомга мувофиқ тақдим этиладиган юридик хизматлар ходимлари тўғрисидаги маълумотлардан ташқари, улардан юридик хизмат фаолиятига доир бошқа тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олишга ҳақли.

2-боб. Маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш ҳамда унга киритиш учун маълумот тақдим этиш

5. Юридик хизматларнинг Вазирликда маълумотлар йиғма базаси, ҳудудий адлия органларида маълумотлар ҳудудий базаси юритилади.

6. Маълумотлар базалари тегишлича Вазирликнинг Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ва унинг шўъбалари томонидан шакллантирилади ва юритилади.

7. Маълумотлар базалари мунтазам равишда электрон шаклда давлат тилида юритилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимлари тўғрисидаги ахборот Вазирликка, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимлари тўғрисидаги ахборот эса, ҳудудий адлия органларига тақдим этилади.

9. Давлат органлари ва ташкилотлари тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 10-санасига қадар адлия органига мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шаклдаги маълумотларни ёзма ва электрон шаклда тақдим этади.

Худудий адлия органлари тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 15-санасига қадар худудий базадаги маълумотларни Вазирликка электрон кўринишда тақдим этади.

10. Тақдим этилган маълумотлар йил давомида ўзгарган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари ўн кун муддатда тегишли маълумотни адлия органига юбориши лозим.

Худудий адлия органи ўзгаришлар бўйича маълумотларни улар тақдим этилгандан сўнг беш кун муддатда Вазирликка тақдим этиши шарт.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотни ҳар чоракда, тегишли чорак якунлангандан сўнг, кейинги ойнинг 5-санасига қадар Вазирликка электрон шаклда тақдим этади.

12. Тақдим этилган маълумотлар Вазирликка келиб тушгандан сўнг, улар икки иш куни ичида маълумотлар йиғма базасига ҳамда расмий веб-сайтдаги маълумотлар базасига жойлаштирилади ва мунтазам равишда янгилаб борилади.

3-боб. Якуний қоидалар

13. Маълумотлар базаларининг ўз вақтида ва тўғри юритилиши учун масъулият Вазирликнинг Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ва унинг шўъбалари зиммасига юклатилади.

14. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат Вазирликнинг Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

**Юридик хизматлар ходимлари ҳақида
МАЪЛУМОТ**

T/p	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Тамомлаган таълим муассасаси ва вақти	Лавозими (иш жойи кўрсатилган ҳолда)	Мартаба даражаси (берилган вақти)	Иш жойи манзили ва юридик хизмат ходимининг электрон почтаси	Хизмат ва уяли телефон рақами	Эгаллаб турган лавозимга қабул қилинган вақти	Юридик мутахассислик бўйича иш стажи	Шундан юридик хизматдаги иш стажи	Юристлар малакасини ошириш марказида малакасини оширган вақти (сертификатнинг серияси, рақами, берилган ҳамда амал қилиши муддати кўрсатилган ҳолда)	Аттестациядан ўтган вақти (гувоҳноманинг серияси, рақами, берилган ҳамда амал қилиши муддати кўрсатилган ҳолда)
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1.												
2.												
3.												
....												

Изоҳ:

- мазкур шаклнинг 6 ва 7-устунларидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда, бу ҳақда юридик хизмат ходими томонидан бир иш куни ичида тегишли адлия органига оғзаки равишда маълум қилиниши;
- барча маълумотлар қоғоз ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши;
- юридик хизмат ходимларининг маълумотномалари (объективкалари) мазкур шаклга илова қилган ҳолда тақдим этилиши шарт.

Давлат органлари ва ташкилотлари юридик
хизматларининг маълумотлари базасини
шакллантириш ва юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги бўш иш ўринлари ҳақида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Давлат органи ва ташкилотининг номи	Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган меъёрларга асосан ташкил этиладиган юридик хизмат штат birlikлари сони	Ҳақиқатда ташкил этилган юридик хизмат штат birlikлари сони	Штат birlikларида ишлаётган юридик хизмат ходимлари сони	Юридик хизматдаги бўш иш ўринлари сони	Бўш иш ўринларидаги лавозимларнинг ойлик маоши	Юридик хизмат ходимлари бўш иш ўринларининг лавозимлари							
							Юридик департамент (аниқ кўрсатилади)	Бошқарма бошлиғи (аниқ кўрсатилади)	Юридик бўлим (аниқ кўрсатилади)	Бюро бошлиғи (аниқ кўрсатилади)	Бош юрист-консулт (аниқ кўрсатилади)	Етакчи, катта юрист-консулт (аниқ кўрсатилади)	Катта юрист-консулт (аниқ кўрсатилади)	Юрист-консулт (аниқ кўрсатилади)
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1.														
2.														
3.														
....														

Изоҳ:

— барча маълумотлар қоғоз ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши шарт.

Давлат органлари ва ташкилотлари юридик
хизматларининг маълумотлари базасини
шакллантириш ва юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида
малака оширишдан ўтган юридик хизматлар ходимлари ҳақида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Ф.И.О.	Тугилган йили ва жойи	Иш жойи	Лавозими	Малака оширган вақти	Малака оширганлиги тўғрисида берилган сертификатнинг вақти, серияси ва рақами
1.						
2.						
3.						
....						